


ЎСИМЛИКЛАР



КАСАЛЛИКЛАРИ ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ

- Касалликларнинг турлари
- Касалликларга қарши кураш
- Зараркунадаларнинг турлари
- Зараркунадаларга қарши кураш
- Ўсимликларга кимёвий ишлов
беришнинг техникавий воситалари
- Касаллик ва зараркунадаларга қарши
курашнинг халқчил усуллари

Тошкент-2007

Ўсимликлар касалликлари ва зараркунандаларига қарши кураш.

Тузувчи Р.Х. Аюпов. - Т.: Иқтисод-Молия, 2007. - 124 бет

Ушбу китобчада ўсимликларнинг касалликлари ва зараркунандаларига қарши кураш масалалари ҳар бир сабзаёт ва ўсимлик турига мос равишда келтирилган. Унда сабзаёт ва ўсимликларнинг асосий касалликлари ва зараркунандалари, касалланган ўсимликларнинг ташқи кўриниши ва белгилари, зараркунандаларнинг турлари ва бошқа фойдали маълумотлар келтирилган. Турли хил ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан қандай қилиб ҳимоя қилиш мумкинлиги ҳамда бунда қандай кимёвий дорилардан фойдаланиш муаммолари ҳам батафсил кўриб ўтилган. Китобча барча қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнаткаш инсонлар, шахсий томорқа эгалари, деҳқон-фермерлар ва бу иш билан қизиққан ватандошларимизга мўлжалланган. Унда бошқа маълумотлар билан бир қаторда касаллик ва зараркунандаларга қарши аёвсиз курашнинг агротехник, механик, биологик, кимёвий ва бошқа антиқа усуллари ҳам келтирилган.

Ушбу китобчада аниқ кўрсатмалар сифатида келтирилган кўпчилик маълумотлар касаллик ва зараркунандалар безор қилган томорқа эгалари ва дала ховлисида сабзаёт маҳсулотлари етиштиришни орзу қилганлар билан бир қаторда янги тузилган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва хизматчилари учун ҳам ўсимлик ва сабзаётларнинг касалликлари ҳамда зараркунандаларига қарши самарадор курашиш учун фойдали маълумотлар манбаи бўлиши мумкин.

Тақризчи: «Кўксарой Ер-Миришкор» Агрофирмаси раҳбари, амалиётчи агроном С.З. Тоиров.

М У Н Д А Р И Ж А

1. Ўсимликларнинг касалликлари турлари	5
2. Касалликларга қарши кураш	7
• Пиёз	
• Бодринг	
• Помидор	
• Картошка	
• Карам	
• Саримсоқпиёз	
• Сабзи	
• Қалампир	
• Мевали дарахтлар	
• Ток	
• Манзарали экинлар ва гуллар	
3. Зараркунандаларнинг турлари	35
4. Зараркунандаларга қарши кураш	41
• Пиёз	
• Бодринг	
• Помидор	
• Картошка	
• Карам	
• Саримсоқпиёз	
• Сабзи	
• Қалампир	
• Мевали дарахтлар	
• Ток	
• Манзарали экинлар ва гуллар	

5. Ўсимликларга кимёвий ишлов беришдаги	
хавфсизлик чоралари	55
6. Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашнинг	
халқчил усуллари	56
7. Кимёвий дори-дармонлар тавсифи	68
Тавсия қилинадиган адабиётлар	72
Иловалар	74

1. Ўсимликларнинг касалликлари турлари

Аввало, китобчада ишлатилган бир қанча тушунчалар ва атама (термин)ларга изоҳ бериб ўтамиз. **Касаллик** деб, паразит микроорганизмлар таъсирида ўсимликларда кузатиладиган патологик ўзгаришларга тушунилади. Бу ўзгаришлар охир-оқибатда ўсимликнинг ўсишига салбий таъсир қилади ёки унинг ҳосилдорлиги сезиларли даражада камайишига олиб келади. Бундай инфекцион касалликларнинг асосий сабаби - замбуруғлар, бактериялар, вируслар, фитоплазмали организмлар ва гул паразитлари бўлиши мумкин. Инфекцион касалликлар касал ўсимликлардан соғлом ўсимликларга ўтиб, тарқалади. **Зараркунанда** деб, турли хил ўсимликларга сезиларли даражада зарар етказувчи майда хайвонот олами ва хашоротларга тушунилади. Улар ўсимликларнинг ривожланишини анча секинлаштиради, ҳосилдорликни камайтиради ва унинг меваларига катта зарар етказиши мумкин. Асосий зараркунандалар жумласига ширалар, битлар, кўнғизлар,

личинкалар, куртлар, чувалчанглар, сичқонлар, каламушлар, нематодалар, кушлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Ўсимликлар ривожланиш жараёнининг бузилиши бир қанча факторлар воситасида юзага келиши мумкин. Булар тупроқдаги нохуш ҳолатлар (*юқори намлик даражаси, озуқа элементлари етишмаслиги, микро ва макроэлементлар камчилиги, тупроқ структурасининг бузилиши, ундаги РН-нинг ўзгариши, гумус миқдорининг камайиши ва бошқалар*), об-ҳаво шароитлари (*қурғоқчилик, юқори ёки жуда паст ҳарорат, сув тошқини, шамол ва бошқа факторлар*), ҳаво ёки тупроқ таркибидаги зарарли кимёвий элементлар (*пестицидлар, гербицидлар, саноат чиқиндилари ва бошқалар*). Бу факторлар ҳам ўсимлик тўқималарида инфекция бўлмаган турли-туман касалликларни юзага келтирадилар.

Энди кимёвий дори-дармонлар ва уларнинг турларини ҳам қисқача кўрсатиб ўтамиз:

Пестицидлар – зараркунандаларга қарши ишлатилиши мумкин бўлган барча кимёвий воситаларнинг умумлашган номи.

Инсектицидлар – ўсимликларни зарар келтирадиган ҳашоротлардан сақлаш учун фойдаланиладиган кимёвий препаратлар бўлиб, уларни ўсимликларга пуркаш ёки олдиндан тупроққа киритиш йўли билан ишлатилади.

Родентицидлар – ўсимликларга зарар келтирувчи кемирувчиларга қарши ишлатиладиган кимёвий препаратлар бўлиб, улар кемирувчилари заҳарлаш йўли билан тугатиш учун ишлатилади.

Фунгицидлар – ўсимликларнинг замбуруғли касалликлар кўзгатувчиларига қарши курашиш учун ишлатилади. Улар уруғларга ишлов бериш воситаларига, тупроққа ишлов бериш препаратларига ва вегетация вақтида ишлов бериш дори-дармонларига бўлиниши мумкин.

Пестицидларнинг кутиш вақти деб, улар билан ўсимликка охириги марта ишлов беришдан, то ҳосил йиғиб олингунча бўлган вақтга айтилади. Ишлов беришлар сони деб, вегетация даврида ушбу препарат билан ўсимликка неча марта ишлов берилишига тушунилади.

Ўсимликларга зарар етказадиган касалликларининг асосий турларига куйидагиларни киритиш мумкин:

Қора оёқча – жуда ҳам катта зарар етказадиган ва кенг тарқалган касаллик бўлиб, у кўпинча ўсимликнинг нобуд бўлишига олиб келади. Касалликни турли хил замбуруғлар юзага келтиради. Касалланган ўсимликнинг тупроққа яқин қисми ёки илдизга туташ қисми қорайиб, сув йиғади ва чириydi. Кейин секин-аста бу касаллик унинг ёнидагиларга ҳам ўтиб, уларни ҳам қуритади. Касаллик натижасида ўсимлик нимжон бўлиб қолади, ўсиши секинлашади ва илдизлари жуда ҳам секин ривожланади. Бу касаллик намлик кўп бўлганда, паст хароратларда, ўсимлик совуқ сув билан суғорилганда, вентиляция ёмон бўлганда, кўчатлар зич экилганда катта тезлик билан кўпаяди. Қора оёқчани тарқатувчи замбуруғлар тупроқда яшайдилар ва бир ўсимликдан бошқасига ўтадилар. Айниқса, алмашлаб экишга риоя қилинмаса, бу касаллик жуда ҳам тез кўпайиб кетади. Касалликдан қутулиш йўллари – ўсимликка яхши қаров, тўғри озиклантириш ва суғориш режимига риоя қилиш, хаво алмашинуви, уруғларга экишдан аввал тегишли ишлов бериш, уруғ экиладиган жойга 1% ли марганцовканинг илиқ эритмасини куйишдир.

Карам ун шудринг касаллиги - намгарчилик шароитларида кўпаяди ва ўсимликка анча зарар етказади. Унга қарши кураш учун 80% ли олтингугуртни 10 литр сувга эритиб, пуркалади, парникларда эса 40 грамм ишлатиш кифоя бўлади.

Карамнинг қора сон (илдиз чириши) касаллигига қарши Фундазолнинг 1 ош қошиғини 10 литр сувга кўшиб, 20 кв метрга пуркалади ёки суғорилади.

Карамнинг қора доғланиш касаллиги –бу касаллик уруғларни пуч қилиб кўяди. Унга қарши Топсин, Фундазоллардан фойдаланиш мумкин.

Бодринг трипси – бу касаллик иссиқхоналарда кўпроқ учрайди ва унда барглар тешилиб қолади. Унга қарши Церакс (0,5 литр/гектар), Конфидор ёки Тоастатлардан фойдаланиш мумкин.

Бодринг мозаика касаллиги – бу вирусли касаллик бўлиб, ундан қутулиш учун хашаротларга қарши аёвсиз кураш олиб бориш керак. Касалликка

қарши эса Янтар кислотаси ёки Магний сульфатни кўрсатилган дозаларда ишлатиш мумкин. Кўпинча 1 литр сутни 10 литр сувга аралаштириб сепиш ҳам яхши натижа бериши кузатилган.

Бодрингнинг қора доғланиш касаллиги – унга қарши системавий фунгицидларни қўллаш мумкин.

Бодрингнинг қора сон касаллигида – фунгицидлар қўлланилади.

Бодрингнинг қуруқ доғланиш касаллиги, Илдиз чириш касаллиги, Бактериоз касалликларда ҳам кимёвий препаратларсиз бирор бир натижага эришиш амри-маҳол бўлади.

Бодрингнинг сохта ун касаллиги – бу касалликка чалинган бодринг барглари орқа томонида сариқ ранг пайдо бўлади ва барг сарғайиб, қуриydi. Унга қарши фунгицидлардан аниқ кўрсатилган дозаларни ишлатган холда фойдаланилади.

Помидор занг кана касаллиги – бу касалликка қарши ўргимчакканага қарши ишлатиладиган Фунгицид дорилар ишлатилади.

Помидорнинг зовакланувчи пашша (художник) касаллиги – 3-4 марта авлод беради ва унга қарши 10 литр сувга 2 грамм миқдорида Карбофосни ишлатиш мумкин.

Помидорнинг фузариоз касаллигига қарши ҳам кимёвий усуллар ёрдамида курашилади.

Помидорнинг фитофтороз касаллигида ҳам унга мос бўлган кимёвий воситалардан фойдаланилади. Бу маълумотлар кейинги бўлимда батафсил келтирилган.

Картошка илдиз нематодасига қарши ҳам қуйидаги тегишли бўлимда кўрсатилган кимёвий дорилардан фойдаланган маъқул.

2. Касалликларга қарши кураш

П и ё з

Пиёз турли хил касалликларга чалиниши ва унга ҳам бир канча зараркунандалар офати тегиши мумкин. Уларнинг ичида энг аҳамиятлилари пиёзнинг ер остки қисми касалликларидир. Пиёзни касаллик ва зараркунандалардан химоя қилиш тадбирлари улар қандай сабаб туфайли пайдо бўлганини аниқлаш билан боғлиқ бўлади. Кўпчилик ҳолатларда пиёзга етказилган талофат қандайлигини билиш, ундаги ўзгаришларни диққат билан кузатиш зараркунанда ва касаллик турини аниқлаш имконини яратади. Тажрибали пиёз етиштирувчилар пиёз ўсимлигининг касаллик туфайли юзага келадиган биологик ва морфологик хусусиятларини яхши билган ҳолда, ушбу касалликларнинг олдини олишга муваффақ бўладилар. Ўсимликни химоя қилиш амалларини ўз вақтида бошлаш учун унинг вегетация даврида унинг ер устки қисмларини диққат билан кузатиб туриб, касаллик аломатларини ва зараркунандаларни йўқотиш чораларини, улар кўпайиб ва тарқалиб кетмасдан бурун амалга ошириш керак бўлади. Касаллик ва зараркунандалар билан курашишда аввало агротехник, механик, биологик усулларни қўллаш керак. Агар бу усуллар касаллик ва зараркунандаларни енгишга ожизлик қилсалар, у ҳолда шахсий химоя тадбирларига қатъий риоя қилган ҳолда, кимёвий усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

- **Мозаика касаллигига** пиёзнинг турли-туман навлари чалиниши мумкин. Ушбу касаллик билан оғриган пиёз ўсимлигининг барглари сарғаяди, пояси ётиб қолади ва пиёзлар буришиб, юмалоқ шаклини йўқотади. Баъзан уларда оқиш-сарғиш параллел йўллар пайдо бўлади.

Касалликка қарши кураш чоралари: алмашлаб экиш, зарарланган ўсимликларни йиғиштириб олиш ва ёқиб ташлаш, соғлом уруғларни экиш.

- **Пиёзнинг оқ чирши касаллиги (склеротиниоз)** анча кўп тарқалган микоз бўлиб, у ёмғиргарчилик кўп бўлган пайтларда алоҳида хавф туғдиради, вегетация даврида ва пиёзларни сақлашда ҳам учрайди. Экин майдонларида бу касаллик секин ривожланади, лекин пиёзни

сақлаш пайтида яна авж олади. Касалланган пиёзлар юмшоқ ва сувли бўлиб қоладилар. Оқ мицелиялар воситасида касаллик бир пиёздан бошқасига ўтиб, тарқалади. Вақт ўтиши билан мицелий қаттиқлашади ва олдин оқиш рангли, кейинчалик эса қораядиган замбуруғли массалар пайдо бўлади. Бундай кўринишда замбуруғлар сувсизликка ҳам, паст хароратларга ҳам бемалол чидам берадилар ва бир неча йил давомида ўз хаётий хусусиятларини сақлаган холда яшашлари мумкин. Дам олиш пайтини ўтказгандан сўнг, замбуруғли массалардан споралар пайдо бўлади ва улар орқали замбуруғлар яна кенг миқёсда тарқалади. Замбуруғлар тупроқда ва ўсимлик қолдиқларида сақланадилар. Оқ чириш касаллигига вақтида йиғиб олинмаган ва совуқ жойларда сақланган пиёзлар кўпроқ дучор бўладилар.

Касалликка қарши курашиш учун алмашлаб экишга қатъий риоя қилиш, ўсимлик қолдиқларини дархол йўқотиш ва пиёзни оптимал режимларда сақлаш лозим бўлади.

- ***Пиёзнинг таг қисми чириш касаллиги (фузариоз)*** пиёзни дала майдонларида ўстириш вақтида ва уни омборларда сақлашда зарарлантириши мумкин. Касалликнинг энг илк кўрсаткичлари – барглarning тезлик билан учки томонидан сарғайиб, қурий бошлаши хисобланади. Бунда илдизлар чириб кетади, пиёз юмшоқ ва сувли бўлиб қолади. Агар пиёз кўндалангига кесилса, унинг ранги пуштисимон бўлади. Чириш пиёзнинг таг қисмидан бошланади ва бу касаллик омборда ҳам давом этаверади. Пиёзнинг қатламлари орасида оқиш ва сал пуштироқ бир нарса бўлади – бу мицелия ва споралардир. Бундай инфекциян касаллик пиёз етиладиган даврда хаво харорати баланд бўлган жойларда кўп кузатилади. Фузариоз касаллигининг кўзгатувчилари тупроқда, ўсимлик қолдиқларида сақланади ва уруғлар билан тарқалиши мумкин.

Касаллик билан курашиш алмашлаб экишга риоя қилишни, уруғларга ва экиладиган пиёзларга тегишли препаратлар билан ишлов беришни ўз ичига камраб олади.

- **Пиёзнинг ёлгондакам унли шудринг касаллиги (пероноспороз)** пиёзнинг энг кенг миқёсда тарқалган касалликларига киради. Бу касаллик ёмғиргарчилик ва намлик жуда кўп бўладиган жойларда анча кенг тарқалади. Уруғлик етиштириладиган жойларда катта хавф туғдиради. Касалликка чалинган пиёз ўсимликларининг барглари ва гуллаш стрелкаларида оч яшил, унчалик тиниқ бўлмаган, овал кўринишдаги доғлар пайдо бўлади. Бу доғлар аста-секин катталашиб, уларнинг ранги оч сиёхрангга ўзгаради. Касалланган баргларда турли хил замбуруғлар тўпланадилар. Натижада пиёз барглари аста-секин қижимланиб, уларда чанг-тупроқ тўпланади ва барча ўсимлик чанг босган ҳамда ифлос кўринишга келиб қолади. Кейинчалик касалланган барглар сарғайиб, қуриб қоладилар. Гуллаш стрелкалари эса сарғайиб, синиб кетадилар ёки сўлиб қоладилар. Касаллик замбуруғининг мицелийси пиёз ичига кириб олиб, унда қиш давомида сақланади. Замбуруғлар ўсимлик қолдиқларида ҳам сақланиб қолиши мумкин. Касалланган ўсимликлар секин ривожланадилар, хосилдорлиги ҳам жуда паст даражада бўлади.

Касалликка қарши курашиш учун алмашлаб экишга қатъий риоя қилиш, пиёзни яна ўша жойга 4-5 йилдан сўнг экиш, касалликка чидамли навларни экиш, кузда ўсимлик қолдиқларини йўқотиш ва ерни чуқур хайдаш лозим.

Пиёзни хаво яхши айланадиган, қуёш тушадиган жойларга орасини очикроқ қилиб экиш керак бўлади. Экишдан олдин эса қуйидаги жадвалда келтирилган кимёвий дориларнинг бири билан уруғларга ишлов бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўсимлик ўсиш даврида барглари сарғаяётган ёки қуриётган ўсимликларни таги билан юлиб ташлаш, бегона ўтларга қарши тинимсиз курашиш лозим бўлади. Касаллик илк бор кўзга ташланганда 1% ли бордосс суюқлиги билан пуркаш ҳам яхши натижа беради. Пиёз турли хил



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/4736> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4736> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4736>